



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2015-yil 9-iyul, payshanba, 28 (608)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2015 йил 9-10 июль кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Уфа (Россия) шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ДЕПУТАТ НУҚТАИ НАЗАРИ

Ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқлари

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан мамлакатимизга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришнинг муҳим босқичи сифатида фаол ривожланиб бораётган ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитди

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, аввало, Ҳиндистон бугун Ўзбекистоннинг энг яқин савдо ҳамкорларидан бирига айланганини эътироф этиш лозим. Айни пайтда икки давлат ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда ривожланиб бораётганлиги кўп жиҳатдан икки халқ ўртасидаги дўстона ва ўзаро ишончга асосланган муносабатларга ҳамда минг йиллик тарихий-маданий ва маънавий ришталар билан мустаҳкам боғланганлигига асосланади.



Солмак ЭОИР олган суратлар

Партия фаолининг оилавий корхонаси



Чилонзор туманидаги «Mustafо tekstil» оилавий ишлаб чиқариш корхонаси 2013 йилдан бери фаолият юритиб келимоқда. Бу ерда тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари узиниче юқори сифати ва замонавий дизайни билан ажралиб туради. Энг муҳими, асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланилмоқда. Харибдорлар сафи эса тобора кенгайиб бораёттир.

— Биз, тadbirkor аёллар учун яратилаётган кенг имконият ва қулай шароитлардан мамнунмиз, — дейди корхона раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Гулнора Мўминова. — Қўзлаган мақсадларимиз бирин-кетин рўйбга чиқмоқда. Дастлаб 4 нафар ишчи билан фаолият бошлаган бўлсак, айни кунда ходимларимиз сони 14 нафарга етди. Шундан 4 нафари коллеж битирувчиси. Ишлаб чиқариш қўлами ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошди. Бу каби ютуқларда Мунира Жаҳоҳова, Мафтунна Худойкулова каби илгорларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Жорий йилда Хитойдан янги ускуна олиб келиб ўрнатдик. Натихада 4 та қўшимча иш ўрни яратилди. Бу яна тўртта кўнгил шод, тўртта рўзгор эса обод бўлди, деганидир.

Сифатли ва самарадор дори воситалари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асоси

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилмоқда

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги авваломбор инсоннинг омилига боғлиқ. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун» қоидага асосланган. Айниқса, тиббий хизмат сифатини тадрижий равишда ошириб бориш, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштириш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилаёттир. Биргина мисол: агар мустақилликкача республика-мизда фақатгина 2 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, улар томонидан 30 га яқин номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугун мазкур кўрсаткичлар тегишли равишда 149 ва 1482 тага етди.

Бир оғиз сўзнинг тоғдек қудрати

Меҳнатқаш ва заҳматқаш, дилқаш ва қўли гул халқимиз не-не аччиқ, не-не чучук кунларни бошидан ўтказмади, дейсиз. Унга барча замонларда унумдор ер, тоза ҳаво, тинч сувдан ташқари икки муҳим нарса керак бўлган. Биринчиси нон бўлса, иккинчиси тинчлик-товулиқдир. Мана, Ўзбекистон деган умумий уйимиз йигирма тўрт йилдирки осовишта, дони мўл, нони мўл, истиқбол ойдин диёр

Қудрат РАЖАБОВ, Урганч туманидаги «Қамола-Шахлохон» фермер хўжалиғи раиси, халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Қасби туманидаги «Қамол Султон» фермер хўжалиғида бўлганларидан биз — қишлоқ мулкдорлари, ғаллакорлар тўғрисида энг илиқ гапларни айтдилар. Давлатимиз раҳбарининг бизларга қарата «Ҳорман!» деган бир оғиз сўзи тоғдек қудрат бахш этди. Томчида кўёш акс этганидек, бизнинг фермер хўжалигимизнинг камтарин натижаларида ҳам мамлакатимиз аграр шўъбасида амалга оширилаётган улғувор ишлар нафасини сезиш мумкин. Хоразм шариатида 31 гектарда 65 центнердан ғалла етиштириш гуруҳларини асос бўла олади.

Ҳа, биз — фермерлар те-левидение ва газета орқали чиқиш қилганимизда кўпинча гектарлар, центнерларни тилга оламиз. Лекин мен бу гал кўп тармоқли фермер хўжалиғимиз ғалла режасини бир ярим баравар ошириб бажарган кунни дала шийпонига кекса отахон ва онахонларни тўплаб

дуосини олганимиз, ўзимизнинг бугўйдан бўрсилдоқ нон ёганимиз, ўзимизнинг шолдан ош дамлаганимиз, мол ва парранда гўшти ҳам ўз хўжалигимизда етиштирилганини, ҳатто дастурхонга қўйилган асал, мева-чева, пайкалдан янги узилган «гурвак» қовун ҳам ўзимизники эканлигини айтмоқчиман, холос. Инсонга бошқа нима керак? Юрт тинч, халқ ҳамжиҳат, ёш авлод илми, баркамол, бахтли бўлса, шинам уйларда яшаса бўлди-да. Жаҳоннинг бирор жойида бунчалик бахтли ҳаёт борми? Бордир. Аммо бизнинг бахтимиз, бизнинг турмушимиз бошқача гўзал, бошқача тўкин. Унда, энг аввало, инсонпарвар мазмун бор.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёда алоҳида қайд қилганларидек, мамлакатнинг мисли кўрилмаган тараққиёти, ҳаёт даражамиз ошаётгани, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликка кенг йўл очиб берилаётгани, мулкдорлар изчил қўлаб-қувватланаётгани бизни янги мар-шалар сари руҳлантираверади!

«Ҳали паровоз ҳам сўрарсан...» деганлар Дехқонободга келсин

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятида дала меҳнатқашлари билан мулоқот қилиб, тadbirkor ва фермерларни мамлакат устунлари деб атаганлари бизни ниҳоятда қувонтирди. Жаҳон тан олган, «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда ўтказилган тадқиқотда МДХ давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаган Ўзбекистоннинг устунлари бўлиш нақадар шараф

Алишер БОЙҚАРАЕВ, Китоб туманидаги «Севаз-Андроникс» жамияти раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

Мен Президентимиз ҳар гал вилоятга ташриф бурганда юзма-юз мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлиб, қимматли ўғит ва маслаҳатларини ўз фаолиятимда қўлаб нам бўлаётганим йўқ.

Самимий сўхбат чоғида ну-ронийлардан бири чорак аср аввалги воқеани ёдга олди. У Дехқонобод туманида ишлаган пайтда Юртбошимиз вилоят-нинг биринчи раҳбари экан-лар. Табиий газни туманларга тақсимлаш вақтида у киши ишбилармони ҳамиша изла-ниб, янгилар сари интилиб яшаши, ислохотларнинг бар-давомлиги учун масъулиятни зиммасига олиши кераклигини айтиб ўтдилар. Бугун дунё-да юз бераётган нотинчлик-лар барчамизни оғоҳлик ва сергакликка чорлаши, тинчлик бебаҳо неъмат эканлиги, бах-тли келажагимиз, барқарор тараққиётимиз мана шу неъматни асраб-авайлашимизга боғлиқлигини қайта-қайта таъ-кидладилар.

Қишлоқларни замонавий-лаштириш, намунали лойиҳа-лар асосида уй-жойлар барпо этишни жадаллаштириш, ёш

авлоднинг билимдон ва етук инсонлар бўлиб улғайишлари учун ғамхўрлик қилиш долзарб вазифамиздир. Давлатимиз раҳбари фермер фақат ғалла ва пахта етиштирувчи бўлиб қолмаслиги, балки замона-вий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, янги замон одамлари сафидан ўрин олиши лозимли-гини айтганларида қалбимиз фаҳрга тўлди.

Бугун юртдошларимиз исти-қлол йилларида эришилган барча ютуқлар ҳурматли Пре-зидентимизнинг юксак са-лоҳияти, халқпарварлиги, олиб бораётган одилона ва оқило-на сиёсати, эл-юрт тинчлиги йўлидаги улкан хизматлари самараси эканлигини мамну-ният билан таъкидламоқдалар. Туманимизда қисқа даврда тadbirkor ва ишбилармонлар томонидан юзлаб замонавий лойиҳалар амалга оширилган-лиги бунинг яққол исботидир.

«Ҳали паровоз ҳам сўрар-сан...» деганлар эса бугун Дехқонободнинг ўз паровоз-лари борлигини билиб қўйсин!

БЕШ

Нима беш даясизми? Оддий гурунг тарзида айтганда ишларимиз беш. Газетанинг расмий тилида ифодалаганда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ҳам, муваффақияти ҳам беш.

XXIV КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК? Янаям аниқроқ таърифлайдиган бўлсак, Ўзбекистоннинг жаҳон рейтингидagi ўрни — беш!

Гап шундаки, яқинда Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) иқтисодиёти энг тез ривожланаётган 13 та давлат номини эълон қилди. Қаранг, ўзи дунёда энг тез ривожланаётган мамлакат атиги ўн учта экану, сиз билан бизнинг Ватанимиз — ЎЗБЕКИСТОН шу рўйхатда БЕШинчи погонани банд этди. Эътиборли жиҳати, мазкур рейтинг ҳар бир кўрсаткични қайта-қайта текширадиган нуфузли экспертлар томонидан тузилган. Модомики шулар ҳам БЕШга баҳоляпти. Демак, бу эришган ютуқларимизнинг халқаро миқёсдаги яна бир, энг муҳими, ҳолисона эътирофидир. Энди ўзингиз таққослаб кўринг: Ер шарида 200 дан ортиқ давлат бор!

Навбатдаги савол: ислохотларнинг самараси ва муваффақиятининг мустаҳкам замирида нима турибди? Албатта, бу ҳақда кўп ва хўп гапириш мумкин. Лекин энг лўнда таъриф қуйидагича: Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берган машҳур БЕШ тамойил! Бугун бутун жаҳонда «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» деб номланган ана шу тамойилларнинг узвийлиги, пишиқ-пухталиги, ҳеч кимдан андоза олинмагани жиҳатдан заргарона санъатга қийсланаётгани ҳам бежиз эмас. World Economic Forum мутахассислари шунинг учун ҳам мазкур моделнинг му-аллифига БЕШ қўйиб турибди. Чунки бу узвийликнинг таг-замирини инсон манфаати, Ўзбекистон халқи манфа-ати муҳасам.

Ислохотлар муваффақияти муборак, азиз юртдошлар! Бундай улкан эътирофнинг айнан Истиқлол байрами арафасида эълон қилингани эса янада мароқли. Зеро, ИСТИҚЛОЛ ва ИСЛОХОТ чиндан эгиз тушунчалардир.

БУГУНГИ СОНДА:

ИСЛОХОТ
Ҳокимликлар-нинг ҳисоботи эшитилди **3**

ПАРТИЯВИЙ
ЛОЙИҲАЛАР
Оилавий тadbirkorлик — давр талаби **4**

БОШЛАНҒИЧ
ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИДА
Кўйи бўғинлар — асосий таянчимиз **5**

ҲАЁТ
ҲАҚИҚАТЛАРИ
Учар автомобиллар ҳам эртақ бўлмай қолди **8**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 7 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сумга нисбатан қийдаги қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Австралия доллари	1914,43	1 АҚШ доллари	2560,42	1 Хитой юани	412,51	1 Польша злотийси	672,41	1 ЕВРО	2838,42
1 Англия фунт стерлинги	3982,99	1 Миср фунти	327,00	1 Россия рубли	46,05	1 СДР	3582,90	10 Жанубий Корея вони	22,77
1 Дания кронаси	377,57	1 Исландия кронаси	19,35	1 Украина гривнаси	121,82	1 Туркия лираси	943,83	10 Япония иенаси	209,22
1 БАА дирҳами	697,11	1 Канада доллари	2030,79	1 Малайзия ринггити	672,73	1 Швейцария франки	2712,60		

МУНОСАБАТ

➤ **ДЕПУТАТ НУҚТАИ НАЗАРИ**

Ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқлари



Ойбек ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Томонлар тенг ва ўзаро манфаатли шерикликни ҳаётга татбиқ этиш борасида бой тажрибага эга. Айниқса, савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро қулай муҳит шаклланиб буйиб, 2014 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 315, 9 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Эътиборлиси, экспортнинг 41,3 фоизи қишлоқ ҳўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса О'zLiDeP электорати бўлган фермерларнинг ўз маҳсулотлари билан жаҳонга чиқаришларини кўрсатади. Зеро, қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун мумкин қадар қулай шарт-шароитларни яратиш, бу борада фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш партияимизнинг асосий мақсадларидан биридир.

Кейинги йилларда ҳар икки мамлакатнинг давлат тузилмалари ва хусусий бизнес вакиллари товар ҳамда хизматлар етказиб беришни янада кўпайтириш ва диверсификация қилиш, иқтисодийнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика, биотехнология, енгил ва кимё соҳасидаги юқори технологияли тармоқларида ўзаро манфаатли қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи 22 та ҳинд компанияси ваколатхоналари очилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳиндистонлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 82 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 11 таси тўла ушбу мамлакат капиталли асосида ташкил этилган. Бу эса иқтисодийнинг барқарор ўсиши, мамлакатимизда, авваламбор, тадбиркорлик, бизнесни ривожлантириш ва умуман аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим шартидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши туризм ҳисобланади. Халқларимиз ўртасидаги минг йиллик тарихий-маданий ва маънавий ришталарнинг муштараклиги, Ўзбекистон ҳудудидаги ноёб табиий ва тарихий маданий ёдгорликлар мавжудлиги бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик таъмин, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш соҳаларида ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳиндистон техник-иқтисодий кўмаклашиш дастури доирасида қатор ўзбек мутахассислари ахборот технологиялари, сув ресурсларини бошқариш, банк иши, меҳмонхона бизнеси ва бошқа йўналишларда Ҳиндистоннинг нуфузли олий ўқув муассасаларида малака оширишди.

Албатта, мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда, айниқса, миллий иқтисодийимизни ривожлантиришга хизмат қилувчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида иқтисодийимизга киритилаётган хорижий инвестициялар кичик бизнесни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалиги, енгил соҳа, хизмат кўрсатиш, фармацевтика ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИГА САФАРИ ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари — қишлоқнинг эртанги кун

— Сир эмаски, фермерлар О'zLiDeP электоратининг энг фаол вакиллари сифатида қишлоқ ҳўжалигини тараққий эттиришга йўналтирилган ислохотларни фаол амалга ошириш, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчилик шакллари ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ўз навбатида О'zLiDeP ҳам партиявий ва депутатлик фаолияти орқали қишлоқ аҳолиси манфаатларини ҳимоялаш, уларда ерга эгаллик ҳисси ва масъулиятини мустақамлаш, фермер хўжаликлари моддий-техник базасини кучайтириш, ишлаб чиқариш ҳажми, самардорлиги ва рен-

табеллигини юксалтириш, бозор инфратузилмасида тармоқ ҳиссасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётган. Буларнинг барчаси фермерлик ҳаракатининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, аграр тармоқ ва унга боғлиқ бўлган соҳаларни янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланишига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Президентимизнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан

танишиш мақсадида 30 июнь-1 июль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари, риққ-рўзимиз ижодкорларига алоҳида эътибори, хусусан, фермерлик ҳаракати рағбатига қаратилаётган доимий ғамхўрликнинг наватдаги намойиши бўлди. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ ҳўжалигида кечаётган ўта долзарб бир паллада деҳқонларимиздан ҳол-аҳвол сўраши, хорманглар, деб мадақкор бўлиши эса уларни янада юқори марраларга илҳомлантирди.

О'zLiDeP фракцияси аъзолари Юртбошимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунларига

фуқароларимизга кўтаринки руҳ, фахр-ифтихор бағишламоқда.

Ўзим қашқадарёлик бўлганим сабабли вилоятимиз собиқ тузум даврида нақадар қолоқ ҳудуд бўлгани, турли адолатсизликлар туфайли одамлар турмушдан норози, ҳаётдан ноумид бўлиб қолгани, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар натижасида эса туздан юксалганини жуда яхши биламан. Бугунги кунда воҳа ҳар томонлама ривожланган, мамлакатимиз соҳа маҳсулотининг қарийб 11 фоизи, дон ва пахтанинг катта қисмини етказиб бераётган ҳудудга айланди. Тадбиркор юртдошларимиз фидоқорона меҳнати туфайли барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилмоқда. Шу сабабли бугунги авлод ва ўтган асрнинг 80-йиллари

намоён бўларди. Бугунги манзара эса бутунлай бошқача. Вилоятнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ривожланиб, шаҳар ва қишлоқлар ўзгача қиёфа касб этмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоят маркази — Қарши шаҳри таниб бўлмаган даражада ўзгарди. Янги автостанция ва вокзаллар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш иншоотлари қад ростлади. Қадимий Шаҳрисабз жаҳон туризми харитасидан муносиб ўрин эгаллади.



Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

бағишланган йиғилишда қишлоқ аҳолиси турмуш сифати ва даражасини юксалтиришга хизмат қилувчи фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга давлат сийосати даражасида эътибор қаратилаётгани амалиётда нечоғли ўзини оқлаётганини эътироф этдилар. Давлатимиз раҳбарининг мазкур

ташриф чоғида фермерларга янада кенг эркинлик бериш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини изчил ривожлантириш зарур, деган сўзлари стратегик аҳамият касб этиши билан бирга партияимиз Сайловдаги дастури ва электоратимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беришини алоҳида таъкидлаш жоиздир.



Ўткир БЎТАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

— Чорак аср аввал Ўзбекистон муржаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қўлиб кетган, иқтисодий жиҳатдан бир томонлама, хомшўёга йўналтирилган тарзда ривожланаётган, тармоқ тўлиқ пахта монополиясига айланиб қолган, натижада халқимизнинг маъиши ва ижтимоий даражаси ўта пасайиб кетганини катта авлод вакиллари жуда яхши эслайди. Ўша кезларда вужудга келган вазият республикамизни жар ёқасига кел-

тириб қўйгани ҳам сир эмас. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз тарихан ўта қисқа бир даврда, эндиликда халқаро кўзга тушган ва экспертлар таъкидлаётганидек, ўз-ўзини боқиб қолган бўлмаган ҳудуддан замонавий ва суверен, барқарор суръатлар билан ривожланаётган, ўз кучи ва салоҳиятига таяниб, чегаралари дахлсизлигини, халқининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир давлатга айланди. Буларнинг барчаси

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида билдирган истак ва тилаклари, теран мулоҳазалари нафақат воҳа, балки бутун мамлакатимиз аҳли руҳини кўтарди. Янги-янги марраларга даъват этди. Ўз тақдирини, мамлакат келажагини, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал бойликларини эркин тасарруф этиш, улкан салоҳиятини Ватанимиз тараққиёти йўлида ишга солиш, буюк тарих, маданият ва маънавиятга эга нечоғли қудратга эга эканлигини яна бир қарра чуқур ҳис этди.

Мустақиллик бизга шундай имкониятларни яратиб берди. Эндиликда катта сиёсий кучга айланган О'zLiDeP ҳам айнан мустақиллик шарофати билан дунёга келди ва эркин фикрли янги авлодни шакллантиришдек улғу мақсад йўлида фаоллик кўрсатмоқда. Истиқлол нафақат демократик давлат барпо этиш, балки одамларнинг турмуш сифатини юксалтириш, шаҳар ва қишлоқларимиз фаровонлигига эришишдек бунёдкорликка кенг йўл очди.

Собиқ тузум даврида Қашқадарё деганда одамларнинг кўз унгида қумликлардан иборат чўл

намоён бўларди. Бугунги манзара эса бутунлай бошқача. Вилоятнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ривожланиб, шаҳар ва қишлоқлар ўзгача қиёфа касб этмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоят маркази — Қарши шаҳри таниб бўлмаган даражада ўзгарди. Янги автостанция ва вокзаллар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш иншоотлари қад ростлади. Қадимий Шаҳрисабз жаҳон туризми харитасидан муносиб ўрин эгаллади.



Исламжон ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ободлик, Президентимиз таъбири билан айтганда, кўнгилдан бошланади. Ушбу пурмаво фикр халқимиз қалбидан жой олди. Эзгу даъватга айланди. Одамлар ўз уйи, кўчаси, маҳалласини обод қилишга, бахтли ҳаёт кечиршига интилиб яша-

моқда. О'zLiDeP электоратининг асосини ташкил этувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар ушбу ислохотларнинг энг олдинги сафларида бораётгани эса партияимиз танлаган йўлнинг нечоғли ҳаётимиз эканидан яна бир далолатдир.

СИФАТЛИ ВА САМАРАДОР ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Мавлуда ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Албатта, бу соҳанинг ҳуқуқий негизини янада мустақамлаш, табиий доривор ўсимликларни кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш, янги доривор воситаларни ишлаб чиқаришнинг самардор технологияларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, соҳада хусусий секторни ривожлантириш учун қулай муҳит шакллантириш зарур. Тўғри, соҳанинг жадал ривожланишида 1997 йилда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳамда йиғирмага яқин бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши катта аҳамият касб этди. Лекин ўтган давр мобайнида амалдаги қонунчиликнинг кўпгина нормалари эскирди. Аниқроғи, вақт ўтиши билан қонунчиликимизнинг айрим нормаларини сезиларли даражада янгилаш, уларни бугунги кун талабига, қўлланмаётган амалиётга, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос қўшимчалар билан тўлдириш зарурати сезилмоқда.

Келинг, шу ўринда иккинчи ўқишга тайёрланаётган мазкур қонун лойиҳасига киритилаётган қўшимча ва ўзгаришлар хусусида тўхталиб ўтаск.

Авваламбор, амалдаги қонуннинг 2-моддасида берилган асосий тушунчалар миллий ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, амалдаги қонунга мувофиқ, дори воситалари тушунчасига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик ва стерилизация воситалари ҳам киритилган эди. Бироқ замонавий тиббиётда халқаро тажрибада «парафармацевтик препаратлар» дори воситалари сирасига киртилмайди, балки озиқ-овқатларга қўшимча биологик моддалар сифатида қаралади. Стерилловчи воситалар ҳам дори воситалари ҳисобланмайди. Шунингдек, иммунобиологик, радиофармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис воситалари дори воситаларининг

айрим гуруҳига қиради. Шундан келиб чиқиб, амалдаги қонундан фарқли ўлароқ, «дори воситалари» тушунчасига аниқ ва равшан таъриф берилмоқда.

Иккинчидан, қонун лойиҳаси инсон саломатлигини таъминлаш, дори воситалари ноҳўя таъсирининг олдини олиш билан боғлиқ қатор янги нормалар билан тўлдирилмоқда. Маълумки, баъзи препаратлар нотўғри қўлланилганда ёки дозаси ошириб юборилганда ноҳўя таъсир кўрсатиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, бунинг натижасида дунё бўйича содир бўлган ўлим ҳолатлари касалликлар оқибатида кузатиладиган ўлим ҳолатларининг ичида 4-ўринни эгаллайди.

Шу муносабат билан қонун лойиҳасига «ноҳўя реакциялар» тушунчаси киритилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатларида дори воситаларининг ноҳўя таъсирини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш (фармакогенохлик) билан боғлиқ илмий тадқиқотларни ва фаолиятини (фармакологик назоратни) амалга ошириш вазифаси ҳам юкланмоқда. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимидаги, шунингдек, соҳага алоқадор барча юридик шахслар билан мазкур масалада қонуний иш олиб бориш ва инсон саломатлигини сақлаш йўлида тегишли қарорларни қабул қилиш учун ҳуқуқий

асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги ваколатлари ҳам аниқ кўрсатилмоқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласидаги ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги дори воситалари, тиббий буюмлар хавфсизлигига тааллуқли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш каби бир қатор вазифалар билан кенгайтирилмоқда. Вазирлик дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати, хавфсизлиги ҳамда самардорлиги, фармацевтика фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш кўзда тутилаётган.

Тўртинчидан, масалага О'zLiDeP позицияси нуктаи назардан ёндашадиган бўлсак, қонун лойиҳасида замонавий тиббиёт ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида хусусий капиталнинг алоҳида ҳиссасини кўрсатиш масалаларида рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда

мамлакатимизда фаолият юритаётган дорихоналарнинг аксарияти айнан хусусий сектор улусига тўғри келади. Уларнинг аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашдаги ўрнини инобатга олиб, қонуннинг янги лойиҳаси алоҳида «Дорихона» моддаси билан тўлдирилмоқда. Унда дорихонанинг ваколатлари, уни бошқариш, фаолиятига қўйилган шартлар ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 76-моддасига биноан «ташкilot» тушунчасига тўғри келади. Шунингдек, ушбу кодекснинг 4-бобида биноан «ташкilot» тушунчаси «муассаса» тушунчасини ҳам ўз ичига олади. Муассаса деганда эса давлат-профилактика муассасаларининг бюджет ҳисобидан фаолият кўрсатувчи дорихоналари тушунилади. Амалдаги қонунга мувофиқ мазкур ҳолат хусусий тадбиркорлик йўлида тўсиқ бўлиб турган эди. Чунки хусусий субъект давлат тизимида кирувчи муассаса ҳисобланмайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда «муассаса» тушунчаси «ташкilot» тушунчаси билан алмаштирилди. Кўриниб турганидек, қонунга киритилаётган мазкур ўзгариш О'zLiDeP дастурий

мақсадларида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳамда унинг электорати манфаатларини кўзлайди.

Шу билан бирга амалдаги қонунда дорихона тушунчасидаги «сотим» сўзи Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ «реализация» деб ўзгаририлмапти. Яъни, реализация ҳам сотим, ҳам дори воситаларини бепул беришни ўз ичига олади. Амалиётда дорихоналар орқали айрим имтиёзга эга беморларга махсус рецитлар орқали дори воситалари бепул берилади.

Энг асосийси, озиқ-овқатларга қўшилаётган биологик фаол моддалар, санитария-гигиена предметлари, саломатлик учун фойдали озиқ-овқатлар, маъданли сув ва даволаш-косметика маҳсулотларининг савдоси билан бугунги кунда кўпгина бошқа савдо тармоқлари, яъни тадбиркорларимиз ҳам шуғулланаётганлигини назарда тутиб, аҳоли саломатлигига таъсир этувчи юқоридидаги маҳсулотлар дорихоналар орқали реализация қилиниши мумкинлиги ҳам ушбу моддада белгилаб қўйилмоқда.

Бешинчидан, амалдаги қонунда фармакологик ёки дори воситаларини ишлаб чиқиш меъёрлари акс этмаган эди. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида республикамизда 40 номдаги оригинал дори воситаси, 1400

дан ортиқ савдо номдаги 200 та генерик дори воситаси ишлаб чиқилган. Бу кўрсаткич бир қарашда кам кўринаши мумкин, лекин биргина янги фармакологик ёки дори воситасини ишлаб чиқиш учун камида 15-20 йил мудат керак бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги илк қадамлар қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Маҳаллий соҳа вакиллари томонидан илк бор ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, технологияси ўзлаштирилган дори воситалари клиник синов объектлари ҳисобланади. Чунки уларни ишлаб чиқариш шартлолари, технологияси бир-биридан фарқ қилиши туфайли хусусиятлари бир хил намоён бўлмайди. Бугунги кунда қадар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 100 дан ортиқ дори воситаси кўп тармоқли клиник тадқиқотлардан ўтказилган ва тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган. Бундан ташқари, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган дори препаратлар ўз давлатларида бошқа тамойилларга асосланган ҳолда рўйхатдан ўтказилиши, халқаро стандартлардан фарқ қилиши мумкинлиги, иқлимий, ирқий, экологик ва бошқа бир қатор омиллар, дори воситасининг Ўзбекистон фармацевтика бозоридида етарлича маълум эмаслиги туфайли ҳам клиник тадқиқотлардан ўтказилиши мумкин.

ИСЛОҲОТ

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди



ҲОКИМЛИКЛАРНИНГ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Адахм ХУСЕНОВ,
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси сектор мудири

Таҳлилларнинг кўрсатишича, биргина Фаргона вилоятида ўтган 10 йил давомида сабзавот етиштириш 8,1, мева 6,3, полиз маҳсулотлари 8,7, узум 9,5 баробар ўсган. 2020 йилга бориб эса мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан қарийб 3 қарра кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Ана шундай истиқбол режалар белгиланган экан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини муртасил модернизациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимларини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур бўлади. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бежирим қадқоқлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Ушбу ғоятда муҳим масалалар халқ депутатлари Фаргона вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг 20 июнда бўлиб ўтган йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, бу борада Қўва, Риштон, Учкўприк туманларида олиб борилаётган ишлар, режалаштирилаётган лойиҳалар юзасидан мазкур туманлар ҳокимликларининг ахборотлари тингланди.

Қўва туманида етиштирилаётган мева ва сабзавот юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий бренд —

товар белгисига айланган, десак муболага бўлмайди.

Бугун бу ерда 180 дан ортиқ турдаги мева-сабзавотни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд.

Туман ҳокими ўринбосари И.А. Саҳоновнинг ахборотида қайд этилишича, давлатга пахта ва галла маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан қарийб 3 қарра кўпайтириш мўлжалланмоқда. Ана шундай истиқбол режалар белгиланган экан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини муртасил модернизациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимларини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур бўлади. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бежирим қадқоқлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Риштон тумани ҳокимининг ўринбосари А.Холиқовнинг таъкидлашича, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳукумат қарорига мувофиқ олиб борилган кенг кўламли ишлар тўғрисида барча қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосилдорлиги сезиларли равишда ортди. Туманда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг 100 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева ва узумни даладан истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликнинг олдини олиш бўйича туманда қатор ишлар амалга оширилаётган. Энг аввало, мева ва сабзавотлар

ни сақлайдиган омбор ва музлаткичлар тизимини ривожлантириш туман ҳокимлигининг диққат марказида турган асосий масалалардан бирidir.

Бу борада 2015 йилда умумий қиймати 2,3 млрд. сўм бўлган 5 та лойиҳани амалга ошириш юзасидан зарур ишлар олиб борилаёпти.

Аҳоли томорқа хўжаликларида унумли фойдаланиши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажминини янада оширишда кўл келаётган.

Учкўприк тумани ҳудуди Қўқон шаҳри билан туташ. Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари ҳам ушбу шаҳар аҳолисидир.

Туман ҳокимининг ўринбосари И.Болтаев ўз ахборотида Учкўприкда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш, қайта ишлаш тармогини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида ургу берди.

Туманда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилмоқда. Фақатгина ўтган йили узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурга асосан тоқорлар майдони 1,7 баробарга кўпайтирилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, туманда аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу мақбул деб ҳисобланган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Демак, маҳсулотларни сифатли сақлаш орқали уларнинг қўшимча қийматини ошириш ва экспортни

кенгайтириш ҳақида кўпроқ ўйлаш керак.

Шуни афсус билан айтиш керакки, бизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки куратилган ҳолда истеъмол қилинади. Бундай ҳолатда маҳсулотлар ўзининг сифати, таъми ва тиббиёт нуқтаи назаридан истеъмол хусусиятларини маълум даражада йўқотади.

Мазкур соҳада вилоятда анчагина ишлар қилинаётганга қарама-қарши, маҳсулотни асл ҳолида сақлаш, нарх-навоини кескин ошириб кетишининг олдини олиш, мавсумий омилларнинг таъсирини камайтириш борасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлиги.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари Матлюба Маҳамедова, Раъно Бойқўзиёва, Баҳодиржон Маҳмудов ўз чиқишларида ҳудудларда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, қайта ишлаш тармогини кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига қиратиш лойиҳалар ижроси юзасидан олиб борилаётган депутатлик назоратининг аҳамияти ҳақида гапариб ўтдилар.

Таҳлилларга кўра, йилнинг биринчи ярми давомида бундай лойиҳаларнинг 59 таси ишга туширилди, 1,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 514 та янги иш ўрни яратилди.

O'zLiDeP депутатлари Қўва,

Риштон ва Учкўприк туманларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш тармогини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга баҳо берар эканлар, ҳокимликлар томонидан қўрилаётган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Бу борадаги муаммоларни вақтида ҳал этиш, маҳсулотларини етиштирувчи, сақловчи ва қайта ишловчи фермерлар, ишбилармон ва тадбиркорлар манфаатларини изчил қўллаб-қувватлашда партияда амал қилаётган тизим асосида ишлаш муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Зеро, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш учун барча партиявий тузилмалар ва депутатлик корпусининг узвий ҳамкорлиги долзарб аҳамият касб этади.

Халқ депутатлари Фаргона вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг хулосаларига кўра, мева ва сабзавот маҳсулотлари, узум етиштириш бўйича қўзланган натижаларга эришиш учун ерларнинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини янада яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга ошириш имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

Йиғилиш якунилари бўйича муҳокама этилган масалалар юзасидан депутатлик гуруҳининг аниқ позициясини ифода этувчи амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят кенгашига киритилди.

ҲУДУДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

МУЛҚДОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБРАМИЗ

«Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимизда давлат ва жамият тизими ривожини яхшилатишнинг асосий таянчига айлиши ҳамда Ватан тараққиёти, иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни жадал суръатлар билан амалга оширилиши учун маъсулятни ўз зиммасига олиши зарур».

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашининг конференцияси ўз мазмун-моҳияти билан муайян даражада Президентимизнинг ана шу сўзларини ифодалади, дейиш мумкин.

Тадбирда партия вилоят кенгаши раиси Эркин Холматов худудий ташкилотнинг 2011-2015 йиллар давомидаги фаолияти ва келгусидаги долзарб вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида партиянинг ҳиссаси сезиларли ошганини алоҳида қайд этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, партия таъсир доирасини янада кенгайтириш учун турли субъектларда бошланғич ташкилотларни тузишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бугунги кунда вилоятда 497 та БПТ фаолият юритаёпти. Ҳисобот даврида уларнинг сони 100 тага ортгани диққатга молик. Партия аъзолари сони эса 11328

нафарни ташкил этиб, уларнинг 3278 нафари ўтган йилларда партияга қабул қилинган маслаҳатдошларимиздир.

Вилоят ташкилотининг депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори ҳисобот давридаги партия дастурий вазифалари, Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорлари ҳамда ўз иш режалари асосида фаолият олиб борди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолият партияимиздан сайланган депутатлар 136 нафар. Улардан 25 нафари вилоят, 106 нафари туман ва 5 нафари шаҳар кенгашлари депутатларидир.

O'zLiDeP вилоят ташкилотининг бошқа бўлиmlари ҳақида ҳам ана шундай ижобий фикр билдириш мумкин. Масалан, партия дастурида белгиланган ёшлар сиёсатини амалга ошириш мақсадида 2011-2015 йиллар оралиғида 1000 дан ортиқ турли тадбир ташкил этиб, ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий савияси ўсишига муносиб ҳисса қўшди. «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Агар мен депутат бўлсам...», «Хавфсиз интернет» каби лойиҳалар ёшлар орасида тобора кенгрок оммалашиб бораётгани, уларнинг O'zLiDeP фаолиятига қизиқиш билан қараётганининг далолатидир. Шунингдек, навқирон авлод вакиллари тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳам партиянинг доимий эътиборида.

Конференция давомида кун тартибига қўйилган ташкилий масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

АНИҚ МАҚСАДЛАРДАН — АНИҚ ВАЗИФАЛАРГА

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши конференциясида туман ва шаҳар партия ташкилотлари мутасаддилари, депутатлар, БПТлар умумий йиғилишларида сайланган делегатлар, таниқли тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этди.

Ҳаммаслақларимиз томонидан партия худудий ташкилотининг 2011-2015 йиллардаги фаолиятига баҳо берилиб, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди. Чунончи, партия Сайловолди дастуридаги мақсад ва вазифаларни бажариш, тадбиркор ва фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш, депутатлик гуруҳи ва бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳамкорлигини кучайтиришга эътибор қаратилгани эътироф этилди. Шунингдек, ҳисобот даврида 3 мингдан ортиқ давра суҳбати, учрашув, мулоқот ва танловлар ўтказилиб, уларда 130 мингдан ортиқ юрдошимиз иштирок этгани катта ютуқ сифатида баҳоланди.

— БПТлар 2011 йилда 254 та, партия аъзолари 18 минг 711 нафарни ташкил қилган бўлса, ҳозир кўйи бўғинлар 991 тага, маслаҳатдошларимиз эса 25 минг 927 нафарга етди, — деди O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров. — Бу даврда демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги

вазифаларни бажаришга устувор аҳамият берилганини таъкидлаш ўринли. Бу йўналишда 10 та аниқ мақсадли партиявий лойиҳа амалга оширилди. Айтайлик, вилоят миқёсида ўтказилган «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида 2012-2014 йиллар мобайнида ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган 300 нафар иштирокчининг умумий қиймати 3 млрд. 744 млн. сўмлик бизнес-режалари молиялаштирилишига эришилди. Натигада 100 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, жами 458 та иш ўрни яратилди. Ижтимоий-гуманитар ва маънавий-маърифий соҳаларда ҳам муҳим ишлар бажарилди. Бунда асосий эътибор аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилди.

— Сайловолди платформамиз талаблари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари доимий комиссияларига қўллаб-қувватлаш киритилди. 42 та масала вилоят, туман, шаҳар кенгашлари сессияларида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. — деди вилоят кенгаши депутати Толиббой Эшмонов. — Эътиборга молик яна бир гап: вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳисоботларини эшитиб, таҳлил қилдик. Мазкур соҳаларга доир айрим таклифларимизни ҳаётга жорий этишга муваффақ бўлдик. Анжуман якунида партия ви-

лоят ташкилотининг яқин истиқболдаги фаолияти йўналишлари бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди.

САРҲИСОБ НИМАДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА?

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши конференциясида ўтган беш йил мобайнидаги фаолият муфассал сарҳисоб қилиниб, келгусида бажарилиши лозим долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилотлари сони 938 тадан 1071 тага етган. Либерал-демократлар эса 25 443 нафардан 37 160 нафарга кўпайган.

— Кўйи бўғинлар фаолияти таҳлили шундан дарак берадики, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ортиб бормоқда, — деди партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Тўрабек Назаров. — Буни жами БПТларнинг 186 таси ёки 19 фоизига 30 ёшгача бўлган ёшлар, 47 фоизига эса хотин-қизлар етакчилик қилаётгани ҳам исботлаётган. Шаҳардаги 476 та МФЙ раисининг 233 нафари O'zLiDeP аъзолари эканлиги ҳам маҳаллаларда партияимизнинг нуфузи мустаҳкамланаётганлигини далиллади.

Маърузачининг сўзларига қараганда, 2011-2015 йилларда партия шаҳар кенгашининг умумий иш режасига асосан аёллар ва ёшлар билан ишлаш, мафкуравий тарғибот-ташвиқот, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ташкилий-партиявий ишлар бўлиmlари томонидан муайян ишлар амалга

Электоратга эътибор — мустақкам ишонч асоси

Сиёсий партияларнинг халқ орасидаги мавқеи жойларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги кундаги аҳамияти, халқ фаровонлиги ва давлатимиз ривожидида ўрнининг ошиб бораётганлигини Ватан манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғун кўрган ҳар бир инсон теран англаётган.

Ақрам ШАҲАРОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши
Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири

Айни пайтда Жиззах вилоятида 25 нафар вилоят кенгаши депутати, 111 нафар туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари фаолият юритмоқда. Бу, албатта, катта кўчидир. Партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, кўйи бўғинларнинг гоёвий уюшқоқлигини таъминлаш, тарафдорлар сафини кенгайтириш, Сайловолди дастуриимиздаги вазифаларни бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Ана шу мақсадда жойларда турли мавзуларда амалий семинар, учрашув ва анжуманлар ташкил этилиб, уларда кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланмоқда. Бу жараёнда электорат вакилларининг сиёсий фаоллиги яққол кўзга ташланыпти.

Бу борада халқ депутатлари Арнасой туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам ташаббускорлигини намойён этиб келмоқда. Шундай фаол депутатлардан бири тумандаги «Санзор» фермер хўжалиғи раҳбари Рашида Ёдгоровадир. У истиқлолнинг дастлабки йилларидан биринчилар қаторида фермерликка кўл урди. Хўжалик бугун иқтисодий жиҳатдан тикланиб, илгорлар қаторидан ўрин олган. Унинг раҳбари эса депутат ва бошланғич партия ташкилотни раис сифатида туманнинг иқтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда.

Бугунги кунда касб-хўнах коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратилган тадбиркорлар оз эмас. Улар орасида партия лойиҳаларининг иштирокчилари кўпчилигини ташкил этиши қувонарлидир. Зеро, ёшлар бандлигини таъминлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масаладир.

Мисол учун, ўтган даврда Арнасой туманидаги қўллаб-қувватлаш коллежлари битирувчиларининг янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштирилишида Р.Ёдгорованинг ҳам ҳиссаси сезиларли бўлди. Шу билан бирга депутатлар жойлардаги электорат ҳамда сайловчилар муаммоларини ўрганиб, ёшларни иш билан таъминлаш, партия аъзолари сафини янада кенгайтириш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳамда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Кези келганда, Арнасой туманидаги БПТлар депутатлар билан биргаликда электорат билан алоқаларни мустақкамлаш орқали партия Ҳаракат дастуридан ўрин эгаллаган йўналишлар, шунингдек, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, депутатлар ва кўйи бўғин фаоллари аҳоли орасида партия мақсадларини ҳамда либерал-демократик ғояларни кенг ёйиш баробарида, қонунчилигимиздаги янгиликлар, электорат учун яратилаётган қўшимча имконият ва имтиёزلарнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, давлат ва худудий дастурлар ижросини назорат қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Масалан, йил бошидан буюн ўтказилган тадбирларда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил якунилари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги Президентимиз маърузаси кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда чуқур ўрганилиб, ундаги устувор йўналишлар мутахассислар ёрдамида шарҳлаб берилди.

— Айтиш жоизки, кадрларни тарбиялаш, уларнинг гоёвий-сиёсий дунёқарашини кенгайтиришда бошланғич партия ташкилотининг ҳиссаси катта. Биз эришган натижалар билан чегараланиб қўлмаслигимиз лозим, албатта. Чунки давр олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда, — деди Р.Ёдгорова. — Шундай экан, партия келажаги учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва савиясини ошириб бориш биринчи даражали вазифамизга айланиши лозим. Зеро, партияимизнинг эртанги кунини ана шундай фаолларимизга боғлиқ.



оширилди. Чунончи, навқирон авлод вакиллари тадбиркорликка жалб этиш, интеллектуал салоҳиятни йиғит-қизларни тарбиялашга қаратилган 967 та давра суҳбати, учрашув, семинар-тренинг ва танлов ўтказилди. «Ишбилармон талаба», «Парламентда меннинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан — бизнесга» каби 4 та махсус лойиҳа эса 12 минг нафарга яқин ёш иштирок этди.

Биргина «Диплом билан — бизнесга» партиявий лойиҳаси орқали Тошкент шаҳридаги барча касб-хўнах коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари қамраб олинди. Уларнинг 260 нафарига тижорат банкларидан имтиёзли микрокредитлар олиш учун махсус сертификатлар топширилди. Айни пайтда мазкур имтиёзли кредитлар билан ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар фаолияти доимий мониторинг қилинаёпти.

Ҳисобот даврида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун бевосита электорат билан ишлаш йўналишида 632 та турли семинар ва давра суҳбати уюшти-

рилди. Уларда 17 минг 789 нафар тадбиркор фаол иштирок этди. Шунинг баробарида партияимизнинг энг йирик лойиҳаларидан бири — «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида 56 та амалий мулоқот ташкил этилиб, билдирилган 178 та таклиф ва тавсия парламентдаги фракцияимизнинг қонун ижродкорлиги фаолиятида муҳим ўрин тутганлигини эътироф этиш лозим.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз вакили Полянте Свешников шаҳар кенгаши депутатларини, электорат вакиллари кўнунлар лойиҳалари муҳокамасига кенгрок жалб этиш, O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Одил Аширов ташкилотнинг ёшларга оид фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида сўз юритилди.

Тадбирда ташкилий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Партия шаҳар кенгаши, назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
Муҳаббат РАВШАНОВА,
Бехозид ИСРОИЛОВ, «XXI asr».

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Мулқдор оила» лойиҳаси доирасида «Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш» мавзудаги бизнес-семинарда бу ҳақиқат яна бир бор эътироф этилди



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

О`zLiDeP лойиҳалари бизнеснинг ушбу йўналиши тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонунда кўзда тутилган имтиёз ва преференциялар хусусий мулкчиликнинг ушбу шаклини кенг оммалаштириш, оилалар турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Оилавий тадбиркорлик халқимиз учун янгилик эмас, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Бахтиёр Хўжаёров. — Унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Эндликда ушбу қўлуғ анъаналар қайта тикланмоқда. Шу маънода партияимизнинг парламентдаги фракцияси, маҳал-

лий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан оилавий тадбиркорлик учун ҳуқуқий базани кенгайтириш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш зорасидан амалий тақлиф-таъсиялар ўртага ташланаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Агар рақамларга тўхталади-ган бўлсак, айти пайтда вилоятда 300 дан ортиқ оилавий корхона рўйхатдан ўтган. Бу қонқарли эмас, албатта. Шунинг учун ҳам О`zLiDeP фракцияси билан ҳамкорликда оилавий корхоналарни нисбатан кам бўлган Булуғур, Каттақўрғон, Қўшрабод, Пайариқ, Нуробод ва Тайлоқ туманларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришга жиддий эътибор қаратаёмиз.

Тадбир давомида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўл-

ган иштирокчилар учун махсус бизнес-семинар ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари, шунингдек, тажрибали тадбиркор ва фермерлар замонавий бизнес-тренинг технологиялари, интерфаол услублар, баҳс-мунозаралар асосида машғулотлар ўтказишди. Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, боғдорчилик, паррандчилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш йўналишлари бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

— Биз кўпдан бери оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлсак-да, банкдан кредит олиш, гаров, кафолат хати каби ҳўжатларни расмийлаштириш борасида ҳўқуқий билимларимиз етарли эмасди, — дейди иштирокчи Мадина Худоёрова.

— О`zLiDeP томонидан ташкил этилган лойиҳанинг туман ва вилоят босқичида иштирок этиб, бу борада кўп нарсани ўргандик. Энг

муҳими, тикувчилик йўналишидаги бизнес-режам ташкилотчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Банкдан кредит олиб, амалий фаолиятини бошлаш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман.

Семинарда, шунингдек, тадбиркорликка оид лойиҳаларни тегишли муассасалар орқали молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари, кредитларни расмийлаштириш жараёни ва шарт-шароитлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу кун иштирокчилар вилоятдаги бир қатор тадбиркорлик субъектлари ва кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— 2000 йилда «Микрокредитбанк»дан 10 млн. сўм кредит олиб, тикувчиликка ихтисослашган корхона ташкил этган 5 нафар қизни иш билан таъминлаган эдик, — дейди тадбиркор Хусния

Қурдошева. — Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида партиянинг «Мулқдор оила» лойиҳасида қатнашдик ва 31 млн. сўмлик кредит эвазига 10 та тикув машинаси харид қилиш имкониятига эга бўлдик. Натижада 7 та янги иш ўрни яратилди.

Оқдарёлик Азизбек Холназаров ва Нодира Тўраева ҳам келгусида чорвачилик ва асаларчилик йўналишлари бўйича фаолият юритишни дилга туғишган. О`zLiDeP ҳудудий кенгашидан олинган маълумотларга қараганда, «Мулқдор оила» лойиҳаси доирасида 2012-2014 йиллар давомида Самарқанд вилоятида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги 300 нафар иштирокчининг 3 млрд. 744 млн. сўм ҳажмидаги бизнес-режалари молиялаштирилган. Натижада 100 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, жами 458 та иш ўрни яратилган.

Қулай бизнес муҳити

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида бўлганидек, озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, қўлга киритилаётган салмоқли ютуқлар ҳақида ҳар қанча фахр билан гапирса арзийди

Эльмира РАҲМОНОВА, «XXI asr»

Хусусан, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашдан тортиб, уларни истеъмолчиларга сифатли етказиб беришгача бўлган жараёнлар дунё андозалари даражасида ташкил этилаётганлиги эътиборга молиқдир. Соҳани босқич-ма-босқич ислоҳ қилиш, жойларда қулай бизнес муҳитини шакллантириш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ҳажми ошириб, дастурхонларимиз тўқинчилиги таъминланмоқда.

Сирасини айтганда, айти ҳолат О`zLiDePнинг дастурий мақсадларига тўла мосдир. Бу ҳақда сўз юритганда, партия Сиесий Кенгаши Иқроия қўмитасининг 2015 йил 13 февралдаги «О`zLiDeP ҳудудий тузилмалари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан 2015 йилда озиқ-овқат саноати соҳасида амалга оширилаётган янги инвестицион лойиҳалар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш дастури иқроси устидан партиявий ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Андижонлик фаоллар ҳам ушбу қарорда ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, бугун аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан ички манбалар ҳисобидан қопланмоқда. Бу янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини тубдан модернизация қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган изчил ишловлар самараси, албатта.

Шаҳрихон туманидаги «Mega Gold Milk» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Сутни қайта ишлашга ихтисослашган мазкур корхона яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли тез орада ўз қаддини тиклаб олди. Айти пайтда бу ерда қаймоқ, пишлоқ, қатиқ каби бир неча турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Кундалик маблаг айланмаси ҳам чакки эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда «Ҳамкорбанк» туман бўлими яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, банкнинг 450 миллион сўмлик узоқ муддатли маблаг ҳисобига Хитойдан замонавий дастохлар олиб келиб ўрнатилди. Корхона ҳузурда чорвачилик ҳам йўлга қўйилган бўлиб, айти пайтда бу ерда 63 бош зотдор қорамол парваришланмоқда.

— Мамлакатимиз Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан бениҳоя хурсанд бўлдим. Унда эркин меҳнат фаолияти учун қулай шароит ва имтиёзлар яратиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бундай ғамхўрликдан руҳланиб, келгусида маҳсулот ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштираёмиз, — дейди «Mega Gold Milk» МЧЖ раҳбари Муродилло Юсупов.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Қодиржон Мусаев ҳам озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлардан биридир. У қишлоқ фермерлари билан ҳамкорликни кенгайтириб, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш, иқтисодий манфаатдорликни ошириш, турли муаммоларни ҳал этиш йўлида куч-ғайратини аямаяпти. Шу босис ҳам депутат, ҳам тадбиркор сифатида кўпчилигининг хурмат-эътиборини қозонмоқда.

О`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши Аёлларнинг эътиш фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш бўлими томонидан «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда

Чекка ҳудудлар ҳам четда қолмайди

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

Биргина ўтган йил давомида ҳамкор ташкилотлар билан бирга шаҳар ва туманларда 30 дан ортиқ тадбир ташкил этилди. Уларда 4700 нафарга яқин хотин-қизнинг иштироки таъминланди.

«Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида кўплаб бепул тиббий кўриқлар ўтказилди, бу ўз навбатида, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида уч-райдиган касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбир доирасида 3370 нафар хотин-қизга малакали шифокорлар томонидан зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди. 1000 нафарга яқин аёлга соғломлаштириш муассасаларида даволашни учун йўлланма берилди.

Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги сай-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Шофиркон, Жондор туманлари ва Когон шаҳрида ташкил қилинган «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда хусусий тиббиёт ва замонавий технологияларнинг аҳамияти», «Мустақкам оила — келажак пойдевори», «Соғлом бола — соғлом ва аҳил оила таянчи» каби мавзулардаги давра суҳбатлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Ўрни келганда Когон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган бепул тиббий кўриқ ҳар жиҳатдан самарали бўлганини таъкидлаш жоиз. Бу ерда 300 дан ортиқ аёлга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида нафақат аёллар, балки нафақа ёшидаги отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари ва ногиронлар саломатлиги назоратдан ўтказилиб, уларга тегишли муолажалар белгиланди. Айниқса, партия лойиҳаси доирасида «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан кексаларга 22 млн. сўмлик 9 турдаги дори-дармон, ногиронлик аравачалари, ёзги пойфозлар ва

бошқа буюмлар топширилганини айтиб ўтиш даркор. 70 нафарга яқин эҳтиёжманд киши ҳам ана шундай мурувват ёрдамидан баҳраманд бўлди. Умуман, 2015 йилнинг айти давригача вилоятнинг Ромитан, Ёғдудов ва Шофиркон туманларида 1331 нафар аёл бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 438 нафарига салкам 39 млн. сўмлик дори-дармон элтиб берилди.

Ушбу партиявий лойиҳа доирасида, шунингдек, вилоятдаги бошловчи тадбиркорлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг куч ва иқтидорини рўёбга чиқаришга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, О`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиесий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш бўлими «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан ҳамкорликда жойларда ўтказиб келаётган семинар-тренинглар амалий натижа бераёпти. Жумладан, Когон саноат-транспорт касб-хунар коллежида ташкил этилган тадбирда сўз олган «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими раиси, О`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Дилбар Аҳмедова, Когон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Дилбар Шариянова, партия вилоят кенгаши Аёлларнинг сиесий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими мудири Робия Салихова, Когон шаҳар солиқ инспекцияси бош инспектори Ихтиёр Эгамов, Миллий банк Когон филиали масъул ходими Иззат Наимов ва бошқалар ҳудудда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, соҳа ходимлари учун белгиланган имтиёз ва преференциялар, ушбу йўналишдаги янги фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталдилар.

Тадбир давомида ўз бизнесини бошлаш арафасида турган талаба-ёшларга зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

«Зиёда пардачи» ҳузурига ошиқайтганлар

ушбу тадбиркорлик тузилмаси О`zLiDePнинг «Мулқдор оила» лойиҳаси туфайли вужудга келганини яхши билишди

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Қашқадарёда ўтган йиллар давомида О`zLiDePнинг «Мулқдор оила» лойиҳасида иштирок этган мингга яқин оила айти пайтда ўз бизнесини йўлга қўйди. Шаҳрисабз туманининг «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилувчи Матлуба Йўлдошева ана шундай фаол хотин-қизлардан саналади.

Бундан 11 йил муқаддам биринчилардан бўлиб Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси сафига кирди. Айтин шу йили хонадонига тадбиркорликни йўлга қўйиб, «Асқар Наимов» оилавий корхонасини ташкил қилди. Тадбиркор аёл 2012 йил «Мулқдор оила» лойиҳасининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, «Микрокредитбанк»дан 20 млн. сўм молиявий кўмак олган эди. Кредит эвазига хориждан замонавий тикув машиналари келтириб, кийим-кечақлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Матлуба мазкур лойиҳанинг бу йилги босқичида ўзимнинг янги бизнес-режаси тақдимотини ўтказди. Энди у 80 млн. сўм кредит олиб, ишлаб чиқариш турларини кўпайтириш орқали ишловчилар сонини 70 нафарга етказишни ният қилган. Янги «Ўқув маркази»да қизларга тикувчилик, ироқи каштачилик, зардўзлик сирлари ўргатилса, тикувчилик цехида ўттизга яқин турдаги замонавий кийим-кечақлар



ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Қандолат цехи, «Келинлар либоси», машиш хизмат турлари ва сифати оширилди. О`zLiDeP томонидан ўтказилаётган «Мулқдор оила» лойиҳаси йилдан-йилга такомиллашиб, Матлубага ўхшаш юзлаб йирик тадбиркорларни кашф этди, десак муболага бўлмайди. Лойиҳанинг бу йилги босқичларида 400 дан ортиқ ёш ва хотин-қиз хусусий бизнес билан шўғулланиш мақсадида партия кенгашларига мурожаат этишган. Қаршилик тадбиркор аёл Зиёда Ҳайитова партия лойиҳасидаги иштирокидан сўнг замонавий пардалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади. Йигит-қизлар учун ўттизга яқин янги иш ўрни яратди. Бугунги кунда Қаршида замонавий парда тиктиришни истаганлар «Зиёда пардачи» ҳузурига ошиқлашди.

— Бизнинг Баландчайла қишлоғимиз хунарамандлари нафақат Қамаш тумани, балки вилоятда маълум машҳур, — дейди Фарида Жабборова.

— Тадбиркорлик билан шўғуллана бошлаганимга 9 йил бўлди. Тез-тез мактабгача таълим муассасаларида бўлиб, болажонларнинг талаб ва истақлари асосида миллий уйинчоқлар тайёрлайман. Бунда табиий матоддан фойдаланман. Озгина буюё кетадиган жойига рангсиз лак суртаман. Улар болажонларнинг саломатлигига зиён етказмайди. 6 миллион сўмлик бизнес-режа тақдимотини ўтказдим. Кредит эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтириб, беш нафар дугонамнинг бандлигини таъминлайман.

Жейновлик Байрамали Ҳолиқов кўп йиллардан буён парранда боқиб келади. Эндиликда у 50 млн. сўм кредит олиб, жўжа чиқариш, бройлер товукларни боқишни режалаштираёпти. Миришкорлик Анвар Узоқов ва Абдуғани Арзикулов чорвачилик билан шўғулланишмоқчи. Туманда лапмикор яёловлар бехисоб. Бу ерлар майда шохли моллар парвариши учун жуда қулай.

— Оилаимизнинг ҳар бир аъзосини ўз севган касби

бор, — дейди Одилжон Абдурахмонов. — Ота-боболаримиз Қарши шаҳрининг машҳур усталаридан бўлишган. Балки шу босис бизнинг оилани ҳам хунарамандлар оиласи дейишди. Ўзим юмшоқ мебеллар ишлаб чиқараман. Уғлим Аббос эса аҳолининг буюртмасига қараб темир дарвоза, панжара ва бошқа буюмларни тайёрлаб бераёпти. Қизим Азизанин ҳам мўъжазгина тикув хонаси бор. Замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлсак-да, молиявий аҳолиимиз яхши эмаслиги учун ишимиз юришмаяпти. 10 млн. сўм эвазига оилавий корхонамизда ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳалламиздаги 6 нафар ёш учун янги иш ўрни яратиш ниятидаман.

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган «Мулқдор оила» лойиҳасининг вилоят босқичи семинар-тренинг якунида барча иштирокчилар ўз бизнес-режалари тақдимотини намойиш этишди. Истиқболли, замонавий лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш, ҳар бир иштирокчининг танлаган йўналиши, имкониятларини ўрганиб, бизнес госясини ривожлантириш бўйича тегишли маслаҳат ва йўл йўриқлар берилди.

Лойиҳа якунига кўра, 57 нафар оилавий тадбиркорнинг қиймати 450 млн. сўмдан ортиқ бизнес-лойиҳалари тижорат банклари томонидан молиялаштирилиб, 120 га яқин янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Табаррук онахон фотихаси

Тошлоқ туманида табаррук ёшга кирган отахон онахонлар ўнлаб топилади. Уларнинг орасида энг улуғи Турсунби буви Бурҳоновадир. «Чек» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшаётганимиздан гоғ мамнунимиз, — дейди Турсунби момо. — Айниқса, ёши улўғ инсонларга юртимизда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги кўнглимизни ифтихорга тўлдирди.

Президентимизнинг «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида юз ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эф фоизи миқдорига устима тўлаш белгиланганини эшитган онахон дуога қўл очиб, шундай дорилан, бахтиёр кунларга кўз тегмасин, юртимиз бундан-да обод бўлсин, дея фотиха қилди.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ
МАСЪУЛИЯТ ҲИССИДАН
НУР ОЛМАГАН ҲАЁТ АСЛИДА ҲЕЧ НАРСАГА АРЗИМАГАН БЎЛУР ЭДИ.

С. СМАЙЛС.

«XXI ASR» 28 (608)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР — АСОСИЙ ТАЯНЧИМИЗ

Бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий, мафкуравий ва сиёсий фаоллигини янада кучайтириш мақсадида партия юқори органлари томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар ижобий натижалар бермоқда

Бахтиёр АХМЕДОВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси БПТлар билан ишлаш сектори мудири

Бу, айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловларда яққол намоён бўлди. Бундай натижага ўз-ўзидан эришилмади, албатта. Партия ҳудудий кенгашлари ўта муҳим сиёсий имтиҳон арафасида бошланғич ташкилотлар зиммасига улкан масъулият юклади. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда сайловларга жиддий ҳозирлик кўриш ва куйи бўғинлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренинглр ҳам ўз самарасини берди. Ҳуқуқ машғулоти БПТ етакчиларининг сиёсий ва ҳуқуқий

савиясини янада оширишда алоҳида ўрин тутгани амалиётда синовдан ўтди. Куйи тузилмалар ёш, ишчан ва иқтидорли аъзолар билан мустаҳкамланди.

Сайловолди тарғибот ишлари таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида йил бошида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов режалар белгиланди. Электратнинг ижтимоий таркиби ва унинг хоҳиш-истакларини ўрганиш, маҳаллий кенгашлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга эътибор қаратилди. Мазкур жараёнда 401 нафар БПТ раиси ўрнига ташкилотчи, ташаббускор етакчи сайлангани ҳам партия тузилмалари ва аъзоларининг мамлакатда амалга оширилётган ислохотлар тақдирини учун жавобгарлик туйғусини сезиларли даражада оширди.


Маълумки, ўтган йилларда аҳолига партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг ғоялари ўртасидаги фарқли жиҳатлар тўғрисида атрофлича тушунчалар бериш ҳамда электорат дуч келаётган муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал қилиш чора-тадбирларини бажариш мақсадида икки босқичдан иборат акция ташкил этилган эди. Аниқ мақсадга йўналтирилган да бошланғич ташкилотлар ва партия аъзолари сони ошди, сифат кўрсаткичлари яхшиланди, шунингдек, сайловларга пухта тайёргарлик кўришга эришилди. Натижада ўтган 6 ой мобайнида БПТлар 151 тага, партия аъзолари сони эса 13671 нафарга ортди. Бошланғич ташкилотларнинг аксарияти тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ҳамда йирик

корхоналарда ташкил қилинганлиги навбатдаги муваффақиятлар қалити бўлди, десак адашмаймиз. Шунингдек, партия таянч бўғинлари фаолларини ўқитишга жиддий эътибор қаратилиб, улардан 2033 нафарини партия кадрлар захирасига олиниши куйи бўғинлар фаолиятини сезиларли даражада жонланттирди.

Ушбу далил ва рақамлар таҳлилдан шу жиҳат

Янгиариқ, Жомбой, Сирдарё, Сўх, Ўзбекистон, Пешку туманлари ва Янгиер шаҳрида аъзолар сони деярли ўсмади. Куйи бўғинлар сони ҳам ўзгаришсиз қолди. Худудий партия кенгашлари бундан тегишли хулосалар чиқариб олишлари зарур. Гап мавжуд камчиликлар хусусида борар экан, яна бир неча масалага тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Эътироф этиш

Бошланғич партия ташкилотлари етакчилари таркиби



бошланғич механизми бўлиши лозим. Акс ҳолда ўтказилаётган оммавий-сиёсий тадбирларда бир

вазифаларни тарғиб қилиш, партия раҳбар органларининг қарор ва фармойишларининг бажарилишини таъминлашда алоҳида намуна кўрсатган бошланғич ташкилотларни рағбатлантириш, жойлардаги куйи бўғинларни сифат жиҳатдан яхшилаш, намунали БПТларни кўпайтириш ҳамда илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан уч босқичдан иборат «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилингани ҳам таянч тузилмалар фаолиятини янада жонланттириши шак-шубҳасиздир. Зеро, ўзаро рақобат, тажриба алмашинув бор жойдагина ривожланиш бўлади, самарадорлик ортади.

Шунингдек, жорий йил май-июнь ойларида ҳудудий ва туман (шаҳар) партия ташкилотлари ўртасида ўтказилган ўзаро тажриба алмашинув бўйича семинарлар ҳам партия тизимида жорий қилинган мутлақо янги ёндашув сифатида партиявий фаолият амалиётида ўзини оқлашига ишонамиз.

Айтиш керакки, «БПТ ва депутат ҳамкорлиги» механизми ҳам партияимизга ишонч янада мустаҳкамлашишида ўзига хос аҳами

ят касб этаётир. O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг барчаси, яъни 2113 нафари бошланғич ташкилотларга бириктириб чиқилгани ўз самарасини бера бошлади. Депутатлар томонидан ташкилот ва идоралар раҳбарлигига юборилаётган депутатлик сўровлари, мансабдор шахс ҳисоботи эшитувлари ҳамда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг муайян қисми бевосита бошланғич бўғинлар томонидан кўтарилган масалаларга оидлиги эътиборга лойиқдир. Бу партия ўз электорати манфаатларини нафақат парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари воситасида, балки фаолларнинг тўғридан-тўғри ёрдами билан ҳимоя қилишга қодир эканидан далолатдир. Ушбу йўналишда Ғиждувон, Оҳангарон туманлари, Самарқанд ҳамда Наманган шаҳарлари тажрибасини ўрганиб, кенг оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Мухтасар айтганда, партиянинг куч-қуввати, салоҳияти бошланғич ташкилотларга бевосита боғлиқ. Шундай экан, илганиш, жонқуярлик ва ташаббусдорлик куйи бўғинлар етакчилари фаолиятининг бош йўналишига айланиши шарт ва зарурдир.

МУҲИМ САНАЛАР



2003 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ. ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПАРТИЯ ДАСТУРИ ВА УСТАВИ ТАСДИҚЛАНДИ, СИЁСИЙ КЕНГАШИ ҲАМДА МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ-ТАЪТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ САЙЛАНДИ.

ШУ КУНИ ТОШМАТОВ ҚОБИЛЖОН ФАТТОХОВИЧ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАНДИ.

2003 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬ. ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТДИ.



«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ПАРТИЯНИНГ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА БОШҚА ФАОЛЛАРГА ПАРТИЯВИЙ, СИЁСИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ, ИЛҒОР ФИКРЛАЙДИГАН, ЖАМИЯТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШГА, ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ПАРТИЯ РАҲБАР КАДРЛАРИ ЗАХИРАСИНИ ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАРИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ О'ZLIDERNING БОШ ВАЗИФАЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ».

O'zLiDeP Уставидан.

Мақсадлар муштараклигининг ёрқин ифодаси

«Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг кўп минг кишилик меҳнат жамоаси қўлга киритилаётган салмоқли ютуқларни тажрибали муҳандис, тадбиркор ва ташаббускор партия фаоли Рустам Ойхўжаев фаолиятини боғлашади. Меҳнат фаолиятини «Оҳангаронцемент» заводида оддий чилангарликдан бошлаб, Тошкент ҳамда Навоий вилоятларидаги турдош корхоналарда раҳбарлик кўникмаларини пухта эгаллаган мутахассис корхона бош директори сифатида иш фаолиятини дастлаб ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маънавий эскирган технологияларни янгилаш, янги қувватларни ишга тушириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва энг асосийси, меҳнат кишини қадрловчи мақбул иш ҳамда дам олиш шароитлари яратиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишга қаратди

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Президентимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг инвестицион Дастури тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш бўйича корхонада 2014 йил мобайнида 111,8 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Йилига 500 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 7-сонли замонавий янги цемент тегирмони фойдаланишга топширилиб, қўшимча 17 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ишга туширилган оҳак цехи корхонада йилига 56 минг тонна қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратди. 57 та янги иш ўрнида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирган ёшлар фаолият бошлашди. Сўнгги бир йил давомида олинган

соф фойда ҳисобига жамият устав фонди мавжуд 447,5 миллиард сўмдан 702,1 миллиард сўмга етказилди. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача 30 фоизга кўпайди. Корхона тасарруфидеги профилаторийда 1851 нафар ишчи-хизматчи дам олган бўлса, кенг кўламли курилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилган «Шабода» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида 1108 нафардан зиёд корхона ходимларининг фарзандлари ҳордиқ чиқаришди.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, жорий йилда ҳам техник-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш, улар тури ва ҳажмини муттасил кўпайтиришга қаратилган янгилинишлар давом этирилади.

Бугунги кунда бирор кишини қуруқ ваъда ёки баландпарвоз сўзлар билан ишонтириш мушкул. Қисқа фурсатда



катта ишларни бажариб улгурган, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан етарли билим ва кўникмаларга эга партия фаоли номзодини маслақдошлар бир овоздан 48-Фозгон сайлов округидан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига кўрсатишганда худуд сайловчилари ҳам уни ақдиллик билан ёқлашди.

Депутатлик сийлов эмас, синов эканлигини яхши англаган қаҳрамонимиз сайловолди учрашувларида чўл худудларида умргузаронлик қилаётган аҳолини қийнаётган муаммолар асосида тузган шахсий иш режаси асосида иш бошлади. Худуддаги мавжуд бешта маҳалла фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш, компьютер жамламалари ва мебель харид қилишда амалий ёр-

дам кўрсатди. Унинг ташаббуси билан «Кексаларни қадрлаш йили» Давлат дастури доирасида 74 нафар уруш ва меҳнат фахрийси, кексаларга совға-саломлар улашилди.

— Ўрганишларимиз натижасида ёқилги тақчил бўлган худуд аҳолисини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш муаммоси мавжудлиги аниқланди, — дейди депутат. — Ушбу масалани депутатлик гуруҳимизда чуқур ўрганиб, халқ депутатлари вилоят кенгашининг галдаги сессиясига олиб чиқишни режалаштирляпти.

Партия фаоли раҳбарлик фаолиятини ҳам О'zLiDePнинг «Қизилқумцемент» АЖда ташкил этилган бошланғич ташкилоти аъзолари кўмагига таянмоқда. Куйи бўғин нуфузини янада

оширишга жиддий эътибор қаратапти. Таянч тузилманинг партияимиз дастурий ғоя ва мақсадларини жамоа аъзолари ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, ишчи-хизматчилар ғоявий-сиёсий билимларини ошириш, хусусий ташаббусларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлапти. Чунончи, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирган ёшлар учун «Устоз-шогирд» мактабини, хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини ошириш мақсадида «Балли, қизлар», «Намунали оила бекаси», «Намунали келинчак» ҳамда корхона бўлим ва бўлинмалари ходимлари ўртасида атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган «Экология кўни» кўрик-танловларга бош-қош бўляпти.

Куйи ташкилот ташаббуси билан партиядошларимизнинг кўпчилиги корхона хузурида фаолият юритаётган тикувчилик, қандолатчилик, чорвачилик, нон ва нон маҳсулотлари, омухта ем ишлаб чиқариш цехлари, ем-хашак жамғариш ҳамда иссиқхона ҳўжалигида касаначи ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият кўрсатаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Шу тариқа 305 нафар ҳам-маслагимизни бирлаштирган БПТ ўзига хос мавқега эга бўлган сиёсий тузилма сифатида шаклланди. Буни эса, шубҳасиз, O'zLiDePнинг мамлакатда кечаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларнинг олдинги сафида бораётган амалий ишлар партияси эканлигининг яна бир исботи, дейиш мумкин.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Яна инвестициялар ҳақида

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилаётган сармоялар ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб борапти

Ғайратжон ХОЛИҚОВ, мустақил тадқиқотчи

Жумладан, 2014 йилда асосий капиталга 33715,3 млрд. сўмга тенг миқдорда, яъни 2013 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпроқ инвестициялар киритилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажмида корхона (мисол учун, қўрилган фойданинг бир қисмини янги лойиҳа учун сарфлайдиган МЧЖ) ва аҳоли маблағлари 52,7 фоизни (шундан 30 фоиздан ортиги хусусий инвестициялар) ташкил этди. Бошқа рақамларга мурожаат этар эканмиз, йил давомида мамлакатимизда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиги ишлаб чиқаришга, қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз даромадларини ошириш борасида мавжуд активлардан самарали фойдаланиш имконияти ортиб бораётганидан далолатдир.

Эътиборлиси, фаол инвестиция сивъатининг амалга оширилиши туфайли худудий дастурлар доирасида 2 696 та объектнинг сановат имконияти рўйбга чиқарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилди. 1 651 та янги корхонанинг фойдаланишга топширилиб, тижорат банклари томонидан ушбу мақсадлар учун жами 555,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши натижасида 45,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шу ўринда 2014 йилги Инвестиция дастурига 64 та лойиҳа киритилгани, унга асосан, Жиззах вилоятида портланд ва оқ цемент, Тошкент вилоятида техник кремний ҳамда шакар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш, шунингдек, «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» базасида «Дамас» ва «Орландо» русумли энгил автомобиллар ишлаб чиқариш, Қорақалпоғистонда эса («Мангит» МЧЖ базасида) йирик йиғирув корхонасини ташкил этиш каби йирик лойиҳалар рўйбга чиқарилганини айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, 90-йилларда ташқи инвестицияларга бўлган эътиёж юқорилиши сабаб хориқлик инвесторларга маҳаллий сармоядорларга нисбатан бир қатор устуворликлар яратилган эди. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритаётган ҳўжалик субъектларининг молия-ҳўжалик кўрсаткичлари маромига чиқиб олганидан сўнг бу борада ҳам тенглик ўрнатилишига аҳамият берилга бошланди. Бунинг самараси ўлароқ, иқтисодиёт тармоқларига жалб этилаётган жами инвестициялар ҳажмида ташқи инвестициялар улуши камайиб, ички сармоялар ҳажмининг ошиши кузатилди. Сўзимиз исботи сифатида 2010 йилда жами инвестициялар ҳажмида ташқи ва ички инвестициялар улуши мос равишда 28,8 фоиз ва 71,2 фоизни ташкил этгани, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 21,2 фоиз ва 78,8 фоизгача ўзгарганини айтиб ўтиш мумкин.

Гарчи кейинги йилларда аҳоли жон бошига даромад миқдори ортиб бораётган бўлса-да (2014 йилда бу кўрсаткич 3664,3 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2000 йилга нисбатан 11 марта ортган), ҳозирча аҳолиси ўз пул маблағларини иқтисодиётга жалб этиш имкониятларидан унумли фойдалана олмапти. Ваҳоланки, ушбу йўналиш самарали йўлга қўйилса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдорини икки баробарга ошириш мумкин. Бунинг учун эса йирик хусусий корхоналарда диверсификация жараёнини амалга ошириш учун кредитлаш тизимига қараганда самаралироқ бўлган қимматли қўғоз (акция ва облигация) чиқариш тизимини такомиллаштириш, бўш турган пул маблағларини фойдаланишни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ҳалқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш орқали янги корхоналар ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар маҳсулотларини экспорт қилиш кўламини янада кенгайтириш, тўй ва бошқа маросимларга қилинаётган сарф-харажатларни оптималлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида аҳоли маблағлари улушини ошириш мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришда энг устувор вазифалардан бирига айланди. Унинг амалга оширилиши эса пировардида аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЭЪЛОН

Миробод тумани Ер кадастр бўлими томонидан Мироншоҳ 5-берк кўча, 1-уй Ш.А.Тўлаева номига берилган 10:11:02:01:02:5479/02 номерли давлат кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЭЪЛОН

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ очик танлов савдоларига таклиф этади!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ҳамда Бухоро шаҳар ҳокимининг 2015 йил 19 майдаги №740-сонли қарорига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси ёқаси худудидан «Савдо дўконлари ва ишлаб чиқариш цехлари бинолари» қуриш учун ажратилган 1400,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига қўйилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — **1 364 132 сўм.**

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) қабул қилинади ва 2015 йил 10 август кунин соат 18.00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносидида 2015 йил 11 август кунин соат 11.00 да очилади, 2015 йил 11 август кунин соат 15.00 да мазкур ҳокимлик биносидида танлов ғолиби аниқланади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 11 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йилнинг 18 ҳамда 25 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бир нун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар 2015 йил 18 ва 25 август кунлари соат 15.00 да мазкур ҳокимлик биносидида очилади ва комиссия томонидан танлов таклифи

энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига заналат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари танловларига мувофиқ

Жаҳон адабиётида дурдона асарлари билан машҳур фантаст ёзувчилар миллионлаб ўқувчиларнинг ҳаёлот оламининг сирли ҳодисалари билан ром этиш орқали шуҳрат қозонганлар. Эътиборлиси, уларнинг асарларида тилга олинган баъзи воқеалар бугунги кунга келиб реал ҳаётда ўз исботини топапти. Масалан, таниқли адиб Герберт Уэллс қаҳрамонлари бундан салкам бир аср муқаддам турли аппаратлар ёрдамида бир-бирлари билан алоқада бўлиб туришади. Ёки қандайдир қути ёрдамида кўплаб маълумотларни қўлга киритишади. Буларнинг бари ижодкор фантазиясининг маҳсули бўлса-да, айтиш мумкинки, бугунги мобил алоқа воситалари, компьютер ва интернет ихтиро қилинишининг ўзига хос башорати ҳам эди

УЧАР АВТОМОБИЛЛАР ҲАМ ЭРТАК БЎЛМАЙ ҚОЛДИ

Акбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr»

Узоққа бормайлик. Яқин-яқингача биз ҳам учар автомобилларни фақатгина фантастик руҳдаги кинофильмларда ҳайрат билан кузатардик, лекин тасаввуримизга сиғдира олмасдик. Аммо немис олимлари буни ҳақиқатга айлантиришди. «Carplane» компанияси учар автомобиль прототипини намойиш этди. Янги моделнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у икки фюзеляжли антиқа кўринишдадир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу техник ечим автомобилга ерда ҳаракатланиш учун ҳам қулайлик яратиш мақсадида қилинган. Бунда унинг йиғилувчи қанотлари фюзеляжлар орасидаги бўшлиқда сақланади. Маълумотларга қараганда, автомобиль-самолёт 151 от кучига эга. Унинг оёғи ердан узилиши учун 80, кўниб, тўлиқ тўхташига яна шунча масофа талаб этилади. Парвознинг энг узоқ масофаси 833 километрни, энг юқори баландлиги эса 4570 метрни ташкил этади. Унинг крейсер тезлиги соатига 200 км., ердагиси эса соатига 176 километр.

Намоийш қилинган прототипда қанотлар қўл ёрдамида ечилиб-ўрнатилади. Бирок «Carplane» қанотларни автоматик равишда йиғилиш механизмининг ҳам ишлаб чиққан. Учар автомобилнинг оғирлиги 795

килограмм бўлиб, дастлабки нусхаси июль ойи охирида тайёр бўлиши кутилмоқда. Сўнгра хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда уни сертификатлаштириш ишлари бошланади.

Айни чоғда инсониятнинг турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборган ихтиролардан таъсирланган бир гуруҳ мутахассислар қизиқ рўйхатини эълон қилишди. Бу сўнгги 25 йил ичидида энг йирик ва муҳим кашфиётлар кетма-кетлигини Унинг биринчи погонасини симсиз технологиялар эгаллаган. Ҳақиқатан ҳам, кейинги 10 йилда бу соҳада сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Айни пайтда олимлар телефон фон ва шунга ўхшаш воситаларни симсиз қувватлантириш устида иш олиб боришапти. Бу борадаги изланишлар қайси бир маънода самара берадими ҳам. Хусусан, iPhone 6 учун мўлжалланган, энергияни ҳаводан олувчи ғилофни олайлик. Экспертларнинг фикрича, ғилоф смартфон уяли алоқа сигнални қабул қилишда ишлаб чиқарадиган энергиянинг 90 фоизини қайта ишлаб, унинг ўзига қайта-қайта Гаджет Wi-Fi, LTE ёки Bluetooth каби радиочастота сигналларини ўзгарувчан тоққа айлантира олади. Шу сабаб исталган симсиз алоқа тармоғида ҳаводан қувват ола билади. Охир-оқибат ғилоф эгасида қувватлантирувчи воситани излашга ҳолат қўлмайди. Ноёб ғилофни ишлаб чиқаришда Огайо университети ходимлари жонбозлик кўрсатишмоқда. Мазкур штатдаги Электротехника лабораторияси оптика ва радиоэлектроника соҳасида тадқиқотлар олиб



борувчи жаҳондаги энг йирик маркалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳаётимизни ахборот технологиялардан айри тасаввур этиб бўлмайди. Унинг афзалликлари ҳақида тақрор-тақрор гапиришга ҳолат йўқ, албатта. Биргина компьютернинг пайдо бўлиши билан таълим тизимини имкониятлари тубдан ўзгартириб барчага бирдек маълум. Хусусан, глобал интернет тармоғи таълим тизимига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича янада катта имкониятларни яратиб берди. Кузатувчиларнинг фикрича, ривожланиш шундай давом этса, 10-15 йилдан кейин роботлар ҳам жамиятнинг ажралмас қисмига айланади. Автоматлаштирилган технологиялар ҳарбий сановатга кириб келганига ҳам анча бўлди. Мутахассислар яқин йилларда офисда телефон қўнғироқларига жавоб берадиган, ҳужжатларни бўлимларга олиб борадиган роботлар пайдо бўлишини таъкидлашмоқда. Гап роботлар ҳақида борар экан, яна бир карра Япония мактабини эсламасликнинг иложини йўқ. Кунчиқар мамлакатда олимлар бесўнақай, кўп қувватли роботлар ўрнига, жуссаси кичик, нисбатан энгилроқ, бир сўз билан айтганда, қулай техникалар яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айни пайтга келиб улар йирик банкларда робот технологиялардан самарали фойдаланиш устида иш олиб боришапти. Хусусан, Mitsubishi UFJ Financial Group яқин вақт ичиди роботларни ишга туширишни режалаштирган. Улар

нафақат хавфсизликка кўмаклашади, балки мижозлар билан ишлаш кўникмаларига ҳам эга бўлади. Шу мақсадда банк офисларида мижозларга хизмат қилувчи Нао гуманоиди синовдан ўтказилапти. Агар тажриба муваффақиятли яқунланса, бундай роботлар яқунлаш ҳам сотиб олиши мумкин. Нао ўзига хос камера билан жиҳозланган ва дунёнинг ўн тўққизта тилини тушунади. У мижозларнинг юзи, имо-ишоралари ва овозларига мувофиқ эмоцияларини таҳлил эта олади. Мижозлар пайдо бўлиши биланоқ уларни кутиб олиб, қандай хизматдан фойдаланиш учун ташриф буюрганини сўрайди. Олимларнинг фикрича, роботлар одамлар амалга оширадиган оғир меҳнатни бажаришда қўшимча қўмақчи бўлади, ҳолос. Шундай экан, ходимларни тўлиқ ишдан бўшатиш ҳақида ҳали ташвишлинишга ҳолат йўқ.

Бугун АҚШда яратилган врач-робот ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдирилмоқда. «Да Винчи» номли ушбу «темир жарроҳ» беморга тегинмай, тўқималарга кўп зарар етказмасдан мураккаб жарроҳлик амалиётини бажариш имконини беради. Шифокор эса компьютер орқали роботга кўрсатма беради. Робот ички аъзоларда юз бераётган жараёнини 10 баравар катталиқдаги тасвирда кўрсатади. Шу боис митти роботлар XXI аср тиббиёти учун ўта муҳим янгилик бўлиши мумкинлиги эҳтиромдан холи эмас. Бундан ташқари нанороботлар инсон организмнинг аниқ бир нуқта-ниги дори-дармон етказишда

кўл келади, деган фаразлар илгари сурилапти. Бу ўринда инсон танасининг энг кичик катакчаларигача кириб бориб, тиббий препаратни ағдарувчи митти аравачаларга ўхшаш технороботчалар тўғрисида гап кетяпти. Дори нанокансулаларнинг афзаллиги шундаки, улар тананинг соғлом қисмига салбий таъсир кўрсатмай, фақат касалланган ҳужайрага етиб бориши билан ўта аҳамиятлидир.

Нанотехнологияда кўлга киритилган ютуқлар ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилапти. Кўпгина ривожланган мамлакатларда маҳсулот сифатини яхшилаш учун наноматериаллар қўлланилмоқда. Масалан, микробга қарши воситаларда ўз-ўзидан тозаланадиган матолар айнан наноматериаллар асосида яратилмоқда. Ёки протезлар тайёрлашда унинг бириктиш жойларини наноўчамли қумуш зарралар билан қоплаш йўлга қўйилган. Бу бактериялардан ҳимоя қилишда ёрдам беради. Умуман олганда, ҳаётимизга тезлик билан кириб келган нанотехнология тушунчаси бутун дунёда ўз ечимини кутаётган эканлиги, ижтимоий ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Бир сўз билан айтганда, XXI аср бизга оламшумул кашфиётлар, жозибдор ва мураккаб технологик ечимлар, ҳайратомуз космик қурилмалар, тасвирга олиш ва узатиш мосламалари, дунёнинг ҳар бир нуқтасини қамраб олган компьютерларнинг улкан имкониятларини намоён этмоқда.

Ўн кун ўтгандан сўнг ҳам...

Овқатдан заҳарланиш одатда ёт моддалар таъсирида сифати бузилган озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилинганда келиб чиқади. Бу касаллик барча хасталикларнинг 80-85 фоизини ташкил этади. У кутилмаганда бошланиб, оғир кечса, ботулизмдир. Бу касалликни кўпроқ туриб қолган консерва банкаларидаги салат, шарбат ва турли таомлар келтириб чиқаради



Олмаҳон ЗАРИПОВА, шифокор

Микробланган консерва банкаси очилганда ташқи кўринишидан унда ташқи қўриқлардан унда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Ҳатто маҳсулотнинг ранги, таъми, ҳиди ва мазаси деярли ўзгармайди. Истеъмол қилинганда нидан сўнг эса касалликни кўзгатувчи микроблар ошқозон шираси таъсирида фаоллигини оширади ва тезда қонга сўрилади. Касалликнинг яширин даври 12 соатдан уч кунгача давом этади. Айрим ҳолларда касалликнинг

белгиси ўн кун ўтгандан сўнг ҳам намоён бўлиши мумкин. Бу касалликни тарқатувчи таёқчалар қон орқали аста-секин тўқималар ва асаб тизимига таъсир кўрсата бошлайди, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш жараёнида иштирок этадиган нервларнинг фалажланишига олиб келади. Бемор ютина олмайти, кўзи хиралашади, жисмларини иккита кўра бошлайди. Юрак уриши тезлашиб, ранги оқаради. Бундай ҳолатда тез тиббий ёрдам хизматини қақриш ёки беморни зудлик билан

шифохонага олиб бориш лозим. Бундай имконият бўлмаган тақдирда беморни мажбурлаб кустириш — илиқ сув (1,5-2 литр) ичириб, кейин тил илдизини «тоза сув» чиқунча ювинг. Бемор ўзича қусаётганида ҳам унга кўп суюқлик ичириш керак. Ичакка тушган маҳсулотларни тезроқ ҳайдаш учун беморга меъда кўмири ва 30 мл. канакунжут мойи бериш зарур. Овқат ейиши эса умуман мумкин эмас.

Заҳарланиб қолмаслик учун турли тузлама

ва консерва (помидор, бодиринг, қарам, бақлажон, қалампир ва бошқа турдаги консерваланадиган маҳсулотлар)ни уй шароитида тайёрлашдан аввал оқиб турадиган водопровод сувида, таги тешик идишларда тозалаб ювиш керак. Агарда ичимлик суви бўлмаса, сувни яхшилаб қайнатиш ва сувутиб маҳсулотни ювиш лозим. Қўпоқи шишиб қолган идишдаги маҳсулотларни истеъмол қилмаслик, корхонаси номаълум маҳсулотларини умуман сотиб олмашлик керак.

СЎНГГИ САҲИФА

Устазодлар

Марғилонлик моҳир усталар мисдан ясаган уй-рўзгор буюмлари нафислиги билан ажралиб туради. Албатта, ўзига хос санъат асарларини яратиш ҳунарманддан улкан истеъдод, қунт ва сабр-тоқатни талаб қилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати — ҳар бир устанинг ижодий услуби, йўналиши мавжуд

— Оддий металлдан чинакам санъат асари яратиш учун анча-мунча тер тўкишга тўғри келади, — дейди моҳир мисгар Одилжон ота Тургунов. — Шогирдларимга касб сирларини ўргатаётганимда ижод ва изланишдан бир лаҳзага ҳам тўхтаб қолмасликни қайта-қайта такрорлашдан эринмайман. Мисгарлар сулоласининг тўртинчи авлодига мансуб Одилжон устани Марғилонда кўпчилик танийди ва ҳурмат қилади. Бозорда эса ясаган кўза, офтоба, обдаста, лаган,


қозон, коса, пиёла, барқаш, қаламдон ва қағирларга талаб юқори. Олинанинг даромад ҳам шунга яраша: рўзгор обод, дастурхон тўқин. Ёши саксон бешдан ошганига қарамай Одилжон ота ҳамон шаҳар марказидаги устaxonасида ўзининг сеvimли ҳунари билан машғул. Ўғли Қодирхон, невараси Ноибхон унинг яқин кўмақчилари, бешинчи ва олтинчи сулола вакиллари. Муҳаммадjon МАҲМУДОВ.

ROYAL STEEL


ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



Металлочерепица и профнастил



Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм Южной Кореи и России. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

Производство в Ташкенте

Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72

Адрес: Учтепа-26, ул. Максуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АРФА»)

ROYAL STEEL
www.royalsteel.uz
Товар сертифицирован.

ЭЪЛОН

Муҳтарам тadbиркор ва ишбилармонлар, навоийликлар ва шахримизнинг азиз меҳмонлари, хонимлар ва жаноблар!

- Навоий шаҳрида меҳмонхона излаясизми?
- Кўп сонли меҳмонларингизга жой керакми?
- Барча замонавий қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли стандарт, локс, ярим локс хоналарига олдиндан буюртма бермоқчимисиз?
- Давра суҳбати, учрашув, конференция ёки бошқа тadbир ўтказмоқчимисиз?
- Тузилган кун, юбилей ва бошқа тантанали маросимларни ўтказиш учун жой керакми?
- Унда Сиз замонавий дизайн асосида қурилган MAXIMUM меҳмонхонасига келинг!
- Меҳмонхонанинг:
 - 80 ўринли шинам ёғи ва қишки ресторани,
 - 40 ўринли банкет зали,
 - 60 ўринли конференц-зали,
 - бепул Интернет (Wi-Fi зона),
 - сауна,
 - бассейн,
 - бильярд ва тренажёр заллари Сизнинг хизматингизга мунтазир.



«MAXIMUM»ДА
МАКСИМУМ ҚУЛАЙЛИК!

Манзил: Навоий шаҳри, Галаба шоҳ кўчаси, 9-уй. Тел.: 0- (436) 225-67-74; 0- (436) 225-67-75; (99895) 603-00-77.
WWW.MAXIMUM-HOTEL.UZ
Хизматлар лицензияланган.

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте
Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насыра, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

XXI ASR
ЎТМОЙИ-СИОСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHIBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Ташкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_AS@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Ташкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 3375 Тираж: 10048
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди — 20.00

Тахририятга келган кўпмаъра тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Навбатчилар: Т.АБДУРАХМОНОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.

ЭЪЛОН

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

«Самарқанд шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлик субъектлари, кўп тармоқли фермер хўжаликларига сифатли, истеъмолчилар учун манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришларида ёрдам беради.

Қадрли тadbиркорлар!

Сиз корхонангизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олмақчи бўлсангиз, шунингдек, маҳсулотингизнинг ички ва ташқи бозорда харидоригр бўлиши учун корхонангизда Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизимини» жорий этишингизда марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари Сизга доимо маслаҳатчи ва ёрдамчи бўладилар.

Бундан ташқари, корхонангиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёловидан ўтказиш учун ҳам марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Азиз тadbиркорлар, муҳтарам истеъмолчилар!

Сиз «Самарқанд шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонасининг (+998 66) 222 09 07 рақамли «Ишонч телефони» ёки samqand.uz веб-сайти орқали мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингизга малакали мутахассисларимиз жавоб берилади. Чунки биз Сизнинг хизматингизда!

Манзил: Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 147а-уй.
Телефонларимиз: (+998 66) 222 09 07, факс: 222 21 52
e-mail: samarqandssm@rsm.uz, samsert@umail.uz

«САМАРҚАНД ШАҲАР СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ КҮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

миллий валютада:	хорижий валютада:
<p>«ҚАДРИЯТ» Омонатга ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«ШОДИЁНА» (АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзлар 12 ой ўтагандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«БАҲОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«МАДАД» (АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат очилганда аввас сифатида олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.</p>	<p>«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ТЕЖАМКОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.</p>	

Шу билан бирга, «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 40 дан зиёд омонат турини тақлиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андикон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Ўқун филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

«Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси тadbиркорлик субъектларига қулайлик яратиш, рақобатбардор, халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган, импорт ўрнини босадиган, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари, товарлар экспорти салмоғини оширишда тadbиркорлар, фермер хўжаликларига яқиндан ёрдам беради.

Маҳсулотингиз ички ва ташқи бозорда харидоригр бўлиши учун корхонангизда Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизимини» жорий этимоқчимисиз? Унда марказимизнинг малакали эксперт-аудиторлари Сизга яқин маслаҳатчи ва ёрдамчи бўладилар. Шу билан бирга корхонангизда халқаро стандартлар тоифасига кирувчи ISO 22000, ISO 14001, ISO 18000 каби стандартлар талаблари асосида менежмент тизимларини корхонангизда жорий этишда амалий ёрдам кўрсатадилар.

Хориждан олиб кираётган ёки республикада ишлаб чиқараётган маҳсулотларингизни сертификатлаштириш ва синов ишларини амалга ошириш мақсадида марказимизнинг сертификатлаштириш идораси ва синов лабораторияларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Қадрли тadbиркорлар, азиз истеъмолчилар!

Сиз «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонасининг (+99871) 267-03-10 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.tashsef.uz веб-сайтимиз орқали мурожаат қилиб, маҳсулотингизни сертификатлаштириш учун электрон арзлар расмийлаштиришингиз, соҳа юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб олишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз мутахассисларимизнинг назаридан қолмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингизда!

Манзил: Тошкент шаҳри, Равнак кўчаси, 1«Б».
Телефонларимиз: (+99871) 267-03-10, факс: 150-38-88
E-mail: info@tashsef.uz

«ТОШКЕНТ ШАҲАР СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ